O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 30 май, № 106 (4516) Жума

# ИНВЕСТИЦИЯ — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**Иқтисодий ислоҳотларнинг самараси сифатида бугун мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида йирик саноат корхоналари барпо этилмоқда. Натижада қишлоқ аҳолисининг бандлик даражаси ошиб, турмуши фаровон бўлиб бормоқда. Бунда хориж инвестицияси муҳим роль ўйнамоқда.**

▼ Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

Андижон вилоятида айни пайтга қадар чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 89 та корхона фаолият кўрсатаётган эди. Яқинда уларнинг сони яна биттага кўпайди. Олтинкўл туманидаги Жалабек қишлоғида Малайзиянинг "Фекинтекс" компанияси таъсисчилигида "Фекинтекс Андижон" хорижий шўъба корхонаси иш бошлади.

Пайпоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу корхона 350 минг АҚШ доллари миқдоридаги хориж инвестицияси ҳисобига қисқа фурсатларда қуриб битказилиб, замонавий дастгоҳлар билан таъминланди. Натижада 50 та янги иш ўрни яратилди.

Бу ерда иш бошлаган Раънохон Обидова (суратда) сингари қишлоқ хотин-қизлари чет эллик ҳамкорларидан касб сирларини ўрганиб, юртимиз аҳолисига турли-туман пайпоқ етказиб бера бошлади. Улар йил охирига қадар 600 минг жуфт юқори сифатли пайпоқ ишлаб чиқаришга аҳд қилишган.

Шу кунларда мамлакатимизда Бирлашган Араб Амирликлари делегацияси меҳмон бўлди. Қуйида эътиборингизга «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирининг делегация раҳбари, БАА ташқи савдо вазири Шайха Любна бинт Холид ал-Қосимий хоним билан бўлган суҳбатини ҳавола этмоқдамиз.

### Любна бинт Холид ал-Қосимий:

## «БИЗ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН МУНОСАБАТЛАРНИ ҚАДРЛАЙМИЗ»

▼ Дунё нигоҳи

— ***Суҳбатимиз аввалида Ўзбекистон билан БАА ўртасидаги муносабатлар ривожи борасидаги фикрингизни билмоқчи эдик?***

— Ўзингизга маълум, 2007 йилнинг октябрида Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти ва бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум Ўзбекистонда ташриф билан бўлган эди. Ўшанда у БАА президенти, шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён номидан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни мамлакатимизга ташриф буюришга таклиф қилганди. Жорий йилда юртингиз раҳбарининг БААга бўлиб ўтган ташрифи ғоятда муваффақиятли ва самарали кечганини таъкидламоқчиман.

Учрашувлар чоғида мамлакатларимиз ҳамкорлигининг турли соҳаларига дахлдор қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон ва БАА ишбилармон доиралари вакиллари иштирокидаги бизнес-форумда эса икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масалалари муҳокама этилиб, инвестициялар соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Президент Ислом Каримовнинг юртимизга сафари чоғида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирликлари комиссиясининг биринчи мажлисида иштирок этиш учун делегациямизнинг мамлакатингизга ташрифи ҳақида келишиб олинган эди.

Делегациямиз таркибида БААнинг қатор вазирлик ва давлат идоралари раҳбарлари билан бир қаторда ўз ҳамкасблари билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишни режалаштираётган йирик ишбилармонлар ҳам бор. Ташрифимиз доирасида икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида Ўзбекистон — БАА бизнес-форуми ўтказилди.

— ***Икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволини қандай баҳолайсиз?***

— Бу ҳақда гапириб, аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий муносабатлар юксак даражада йўлга қўйилганини қайд этиш лозим. Шу билан бирга савдо-иқтисодий муносабатларимизнинг бугунги ҳолати бизни қониқтирмаслигини ҳам таъкидламоқчиман. БАА раҳбарияти Ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Биз, биринчи галда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини сезиларли даражада ошириш тарафдоримиз. БАА Ўзбекистонга ўз сармояларини киритишга катта қизиқиш билан қарамоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарияти Ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳаларига йўналтирилаётган сармоялар ҳажмини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқди. Ҳозирданоқ юртингизда БААнинг бир қатор йирик компаниялари фаол иш бошлаб юборди.

(Давоми 2-бетда).

**1 ИЮНЬ — Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш куни**

***"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ёшларимиз иқтидорини жаҳон миқёсида намоён этишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.***

## Истеъдодли ёшларимиз муваффақияти

Истеъдодли йигит-қизларимизнинг жамғарма кўмагида кўплаб нуфузли халқаро танловларда қатнашиб, муваффақият қозонаётгани фикримиз тасдиғидир.

Яқинда Хитой пойтахти Пекин шаҳрида "Тинчлик ва ҳамжиҳатлик — меҳр элчиси" деб номланган халқаро болалар санъати кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда "Фонд форум" кўмагида кашф этилган юртимиздаги кўплаб иқтидор соҳиблари мазкур нуфузли тадбирда иштирок этишди. Жаҳоннинг элликдан зиёд мамлакати вакиллари қатнашган ушбу кўргазмада болажонларимиз юқори натижаларни қўлга киритишди.

Хусусан, халқаро кўргазмада "Янги авлод форуми" санъат мактаби, пойтахтимиздаги Болалар ижодиёти маркази, Республика тасвирий ва амалий санъат лицейи, Дизайн коллежи, Хоразм, Наманган, Жиззах, Самарқанд вилоятларидаги тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатлари ўқувчиларининг 140дан ортиқ ижодий иши намойиш этилди. 74 нафар ўзбекистонлик иштирокчи нуфузли тадбирнинг ғолиб иштирокчилари сафидан ўрин олди. Ўқувчилар 9 та махсус олтин, 28 та олтин, 25 та кумуш ва 12 та бронза медалини қўлга киритишди.

(Давоми 2-бетда).

# ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ

***Пойтахтимизда 29 май куни Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари Ташқи савдо вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, нефть-газ, банк-молия, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, фармацевтика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, маданият ҳамда сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Н. Нажимов, Бирлашган Араб Амирликлари ташқи савдо вазири Любна бинт Холид ал-Қосимий хоним икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Форумда Бирлашган Араб Амирликлари ишбилармонларига мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб этишнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизни юксалтириш йўлида изчил олиб борилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик деярли барча йўналишларда изчил ривожланмоқда. 2007 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 93,1 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Бирлашган Араб Амирликлари сармояси иштирокида тузилган 68 қўшма корхона, ушбу мамлакатдаги 21 фирма ва компаниянинг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар савдо, озиқ-овқат саноати, электроника, тўқимачилик, қурилиш материаллари, транспорт хизмати кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётир.

— Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистонни ўзининг энг яқин ва ишончли ҳамкорларидан деб билади, — деди Любна бинт Холид ал-Қосимий. — Бугунги мулоқотларимиз ўзаро манфаатли келишувлар билан якунланиши ва тез орада самара беришига ишонамиз. Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари биргаликда йирик сармоявий лойиҳалар тузиш ва амалга ошириш борасида улкан имкониятларга эга.

Тадбирда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, жумладан, нефть-газ, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, машинасозлик, электротехника, озиқ-овқат, енгил саноат, сайёҳлик каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Бирлашган Араб Амирликлари компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Бунда Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ишбилармонлари ўртасидаги бевосита ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Анжуманда Бирлашган Араб Амирликларининг ўндан зиёд йирик компаниясидан ўттиздан ортиқ вакил иштирок этди. Хусусан, "Масдар" (энергетика), "Тани", "Emaar Industries and Investments" (қурилиш ва сармоя), "Мубадала" (нефть-газ, нефть кимёси), "ADNOC" (полимер ишлаб чиқариш) каби компаниялар Ўзбекистон бозорида ўз фаолиятини кенгайтириш ниятида эканлиги қайд этилди.

Бирлашган Араб Амирликлари ишбилармонлари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан музокаралар ўтказди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**



***"Навоийазот" очиқ акциядорлик жамияти мамлакатимиздаги иқтисодиёти бақувват корхоналар сирасига киради.***

## Маҳсулот — экспортга

Мукаммал техника ва технологиялар билан йил сайин янгиланиб бораётган ушбу корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва ҳажми ортмоқда. Айни пайтда жамоа ўз маҳсулотларини Покистон, Афғонистон, Эрон, Россия, Украина сингари бир қатор давлатларга экспорт қилаётир.

Ўтган йили корхонада экспорт режаси 174,2 фоизга бажарилиб, 24 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижга сотилган эди. Кимёгарлар бу йил ҳам маъданли ўғит, нитрон толаси, суюлтирилган циан тузи сингари кўплаб маҳсулотларни чет элга юбормоқдалар.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Тошкент вилоятида саноат корхоналари сони яна биттага кўпайди.***

## Замонавий корхона ишга тушди

Янгийўлда умумий қиймати 425 минг АҚШ долларилик замонавий технологиялар билан жиҳозланган, эркаклар ва аёлларбоп трикотаж либослар тикадиган масъулияти чекланган жамият шаклидаги "ANA tekctil" корхонаси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан маҳаллий аҳоли вакилларидан 40 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ғаллакорлар синов арафасида

*Андижон вилояти ғаллакорлари бу йил 76 минг 258 гектар майдонда мўлжалдагидан кўп ҳосил етиштирдилар.*

Тез кунларда ўрим-йиғим ишлари қизғин тус олади. Шу мақсадда дон қабул қилиш масканлари, тош-тарозилар, ёнғинга қарши кураш воситалари сўнгги бор текширувдан ўтказилди. «Кейс» ва «Клаас» русумидаги 216 та комбайн, 1705 та автомашина, 1400 дан зиёд транспорт-тирков трактори эса мавсумга шайлаб қўйилди. Бундан ташқари, 36 та янги «Клаас» комбайни ҳам харид қилинди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Илғор технология шарофати

***Учкўприк туманидаги «Ҳумо уч» ип-йигирув ҳиссадорлик жамиятида бугунга қадар 5 миллион 400 минг АҚШ долларилик маҳсулот четга сотилиб, экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тўрт баробар ортди.***

Бундай юқори ўсиш суръатига корхонани замонавий технологиялар билан қайта жиҳозлаб, модернизация қилиш туфайли эришилди. Бинобарин, ўтган йили олинган кредит ҳисобига Германия ва Хитой давлатларидан энг замонавий ип йигириш ва тўқув дастгоҳлари олиб келинди. Натижада ишлаб чиқариш қуввати ошиб, йилига 3000 тонна калава ип тайёрлаш имконияти вужудга келди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Шу кунларда пойтахтимизда Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан "Дилимдасан, пойтахтим!" тадбири ўтказилмоқда.***



## «Дилимдасан, пойтахтим!»

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ўтказилаётган мазкур тадбир ёшларнинг ижодиёт, бунёдкорлик фаолиятига кенг жалб қилган ҳолда уларнинг иқтидорларини намойиш этиш имконини беради.

"Дилимдасан, пойтахтим!" лойиҳаси доирасида бир нечта йўналишлар бўйича ёшлар ўртасида танловлар ҳам ташкил этилмоқда. Жумладан, "Тошкент — билимлар юрти", "Пойтахт. Кеча ва бугун", "Шарқ дарвозаси" каби мавзулардаги фото ва расмлар, иншо ва шеърлар, турли танловлар йигит-қизларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Бир рақам шарҳи**

## ОБИ ҲАЁТНИНГ ҲАР ТОМЧИСИ ҲИСОБДА



**2008** йил 1 апрель ҳолатига кўра, мамлакатимизда аҳоли хонадонлари, корхона ва ташкилотлар биноларига **1** миллион **165** минг дона совуқ сув ҳисоблагичи ўрнатилди.

**Биринчи чорак мобайнида ушбу йўналишда олиб борилган ишлар бундай ўлчагичлар билан таъминланганлик даражасини анча орттириш, натижада жойларда тоза ичимлик сувини иқтисод қилиш, тегишли тўловларни камайтириш орқали истеъмолчилар манфаатдорлигини ошириш имконини берди.**

**Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, бу хўжалик юритувчи субъектларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу орқали аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал қилиш ва унинг моддий фаровонлигини ошириш долзарб вазифалардан биридир. Айни шу мақсадда ҳукумат томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

## Биржа савдолари:

# МОНОПОЛ МАҲСУЛОТЛАР НАРХИ БАРҚАРОР

Хусусан, очиқ биржа савдолари орқали монополист корхоналарнинг маҳсулотларини сотиб олишда барча хўжалик юритувчи субъектларга тенг шароитлар яратилиб, хом ашё ресурсларини харид қилиш имкониятлари янада кенгайтирилди. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси эса ана шу биржа савдоларига қўйиладиган монопол маҳсулотлар турларини кўпайтириш ва уларни мунтазам савдода бўлиши устидан назорат қатъий олиб бормоқда.

Натижада ўтган даврда биржа савдолари орқали сотишга мажбурий қўйиладиган монопол маҳсулотлар рўйхати 111 товар позициясидан 136 тага кўпайди. Яъни илгари биржа савдоларида шакар, ун, ўсимлик ёғи, қора ва рангли металл, кўмир, минерал ўғитлар бўлган бўлса, ҳозирда шифер, цемент, полиэтилен, суюлтирилган газ каби хом ашё ва маҳсулотлар ҳам сотилмоқда.

Яна бир янгилик шуки, биржа савдолари жорий этилмасдан аввал юқори ликвидли монопол маҳсулотларни харид қилиш учун тадбиркорлар йирик корхоналарнинг эшиклари олдида ҳафталаб кутишга мажбур бўлар эди. Бу ерда амалга киритилган янгича сотиш механизми эса уларга ҳеч қандай бюрократик тўсиқларсиз, ўз иш жойларини тарк этмаган ҳолда, юқори ликвидли монопол маҳсулотларни сотиб олиш имкониятини очиб берди.

Ишлаб чиқарувчилар ҳам, ўз навбатида, тайёр маҳсулотларини биржа савдолари орқали сотишдан манфаатдор бўлишмоқда. 2008 йилнинг 1-чораги давомида биржа савдоларига 594,3 млрд. сўмлик маҳсулот қўйилиб, биржа нархларининг ошиши ҳисобига улар қўшимча 176,5 млрд. сўм даромад олишгани шундан далолат беради.

Корхоналарнинг манфаатдорлигини улар томонидан маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш жадвалларининг ошириб бажарилишида

### ▼ Жараён

ҳам кўриш мумкин. Мисол учун, жорий йилнинг январь-март ойларида кўмир маҳсулоти белгиланганга нисбатан 150, мис 125, цемент 123, суюлтирилган газ 120 фоиз кўп қўйилди.

Шундан келиб чиқиб, қўмита томонидан нархларни барқарорлаштириш бўйича тегишли чоралар кўрилаётгани ҳам эътиборга лойиқ. Жумладан, шу йилнинг март ойида 1 тонна цементнинг (ПЦ400-Д-О) ўртача нархи 305 минг сўмгача кўтарилган эди. Қўмитанинг саъй-ҳаракатлари туфайли 24-31 мартда кунига қўшимча равишда ўртача 20,3 минг тонна цементни биржа савдоларига қўйиш навбати ишлаб чиқилди. Унинг ижроси таъминланиши натижасида цемент нархи 150-200 минг сўмгача пасайтирилди.

Ёки бошқа бир мисол. Апрель ойида биржа савдоларига қўйилган карбамид ўғити миқдорининг камайиши унинг нархи ўсишига олиб келди. Қўмита томонидан ушбу ҳолатни келтириб чиқарувчи омиллар таҳлил қилингач, мавжуд талабни қондириш мақсадида биржа савдоларига қўйиладиган карбамид миқдорини ошириш бўйича «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясига таклиф киритилди. Пировардида мазкур ойнинг биринчи ярмида биржа савдоларига 575 тонна карбамид чиқарилган бўлса, ойнинг охирига келиб, бу кўрсаткич 15 минг тоннадан ортди.

«Максам-Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш линияларининг реконструкция қилиниши эса карбамид тайёрлаш ҳажмини кўпайтирибгина қолмасдан, ҳатто ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича устун мавқега эга «Фарғонаазот» ОАЖга нисбатан рақобатнинг кучайишига шароит яратди. Оқибатда биржада 1 тонна карбамиднинг нархи 305 минг сўмдан 278 минг сўмгача тушди.

Тадбиркорларга бу қадар кенг имкониятлар яратишда, албатта, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 мартдаги «Маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий талабни ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори талаблари муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қарорга мувофиқ, қўмита томонидан ўтган қисқа муддат ичида монополист корхоналарнинг маҳсулотлари инвентаризация қилинди. Йил давомида биржа савдоларига 15506 минг квадрат метр қора қоғоз, 44,6 минг квадрат метр изоль, 131,6 минг квадрат метр пергамин, 18,2 минг тонна қурилиш гипси, 160 минг тонна гипс тоши, 184 минг квадрат метр гипс картони, 580 тонна нефрас маҳсулотининг мажбурий қўйилиши белгилаб берилди. Натижада шулар ҳисобига биржа савдоларига мажбурий қўйиладиган маҳсулотлар позициялари 7 тага ошиб, жами 145 тани ташкил этди.

Буларнинг бари мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мавқеи тобора мустаҳкамланишига, бу субъектларда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига, экспортбоп маҳсулотлар кўпайиши, чакана савдо ва пуллик хизматлар салмоғининг ошишига ёрдам бермоқда. Бу пировардида давлат бюджети параметрларига эришилишини, инфляциянинг даражаси тасдиқланган прогноз кўрсаткичидан ошиб кетмаслигини ва ниҳоят, аҳолининг моддий фаровонлигини янада оширишни таъминлаётир.

**Икром ЎТБОСАРОВ.**

---

*Любна бинт Холид ал-Қосимий:*

# «БИЗ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН МУНОСАБАТЛАРНИ ҚАДРЛАЙМИЗ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

**— Сиз раҳбарлик қилаётган делегациянинг ташрифидан қандай натижалар кутилмоқда?**

— Иқтисодий ҳамкорлигимизнинг ҳозирги аҳволини таҳлил қилишга интилиш, шунингдек, икки томонлама муносабатларни ривожлантириш имкониятлари ва янги истиқболли йўналишларни белгилаб олиш Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирликлари комиссияси биринчи мажлисининг асосий вазифаларидан бўлди. Учрашув жуда самарали кечди, деб ҳисоблайман. Унда савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларда муҳим аҳамиятга эга бўлган нефть ва газ соҳаси, икки мамлакат банк-молия муассасалари ўртасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Бизнес-форум хусусида гапириб, айтишим мумкинки, у икки мамлакат ишбилармон доиралари вакилларига кўплаб янги лойиҳалар билан танишиш учун янада кенгроқ имкониятлар эшигини очади.

**— Ўзбекистон билан БАА ўртасидаги муносабатлар ривожи ва унинг истиқболлари ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.**

— Бугун жаҳонда Бирлашган Араб Амирликларига ривожланган мамлакат сифатида қарашади. Кўпчилик бунга амирликлар нефть ишлаб чиқариш орқали эришган, деб ҳисоблайди. Шу ўринда БАА нефть қазиб олиш ва уни қайта ишлаш саноати билан бир қаторда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, саноат, илм-фан ва таълим соҳаларида ҳам яхши натижаларни қўлга киритаётганини айтишни истардим.

Биз дунё мамлакатлари билан турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш борасида бой тажрибага эга бўлиб бораяпмиз ва уни бошқа мамлакатлар билан ўртоқлашишга тайёрмиз.

Ишонч билан айтишим мумкинки, мамлакатимиз Ўзбекистон билан кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун саъй-ҳаракатларни давом эттирмоқда. Биз Ўзбекистон билан бўлган алоқаларимизни илиқ, дўстона ва алоҳида аҳамиятга эга бўлган муносабатлар сифатида талқин этамиз. Бу эса бизни олдинда халқларимиз фаровонлиги йўлида турли йўналишларда самарали ҳамкорлик кутаётганини англатади.

**Музаффар ЗОҲИДОВ,**
**«Жаҳон» АА.**

---

# МАЗМУНЛИ ВА САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

**Амалдаги миллий қонунчилигимизда ҳар бир депутат Қонунчилик палатасида ўз округи сайловчиларининг манфаатларини ифода этиши, сайловчилардан тушган мурожаатларни ҳуқуқий мажмуаларда белгиланган тартибда кўриб чиқиши, фуқароларни қабул қилиши ҳамда вақти-вақти билан, аммо йилига камида бир марта, сайловчиларга ўз фаолияти ҳақида ахборот бериши белгилаб қўйилган.**

Ушбу меъёрнинг амалдаги рўёби сифатида депутатлар ҳозирда ўз сайловчилари олдида ҳисобот беришмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарипа Салимованинг Юқори Чирчиқ туманида ўтказган учрашувларида ҳам шундай ҳолатга гувоҳ бўлдик. Чунки мулоқотларда депутатнинг "Кейинчалик ҳам саволлар туғилса, бемалол хизмат телефоним орқали мурожаат қилишингиз мумкин", дея телефон рақамини айтганида, учрашувга келганларнинг барчаси уни ёзиб, ёдда сақлаб қолишга ҳаракат қилаётганининг ўзиёқ аҳолининг жамиятда бўлаётган ўзгаришларга, ислоҳотлар ҳамда парламент ҳаётига қизиқиши кучли эканлиги, фуқаролик нуқтаи назари ва сиёсий маданияти юксалаётганлиги далолатидир.

Юқори чирчиқликлар ҳам ўз юмушлари билан банд. Уларнинг ҳам, албатта, ютуқ ва камчиликлари бор. Кўплаб соҳаларда муваффақиятларга эришилмоқда. Кимдир ер олиб фермерлик билан шуғулланмоқда, яна кимдир тадбиркорлик қиляпти. Кимдир қурувчи, кимдир ўқитувчи, шифокор... Улар қабул қилинаётган қонунлар, Президентимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар,

### ▼ Депутат ва ҳаёт

чиқарилаётган фармон ва қарорлардан доимо хабардор бўлиб боришга ҳаракат қиладилар. Ўзларига берилган енгиллик ва қулайликлар, маълум имтиёзлар ҳақида мамнуният билан гапиришади.

Депутат Шарипа Салимова Истиқлол ва Суранкент қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда Янгибозор қўрғонида ўтказилган учрашувларда сўнгги пайтда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳамда ҳозирда қуйи палатада қандай қонун лойиҳалари устида иш олиб борилаётгани хусусида сайловчиларга батафсил ахборот беришга ҳаракат қилди.

Учрашувлар савол-жавобларга бой бўлди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик, уй-жой, банк, фермерлик, пахтачилик, йўлсозлик, коммунал хизмат масалалари ҳақида фикр алмашилди.

Бугунги сайловчининг савияси ўзгача. Депутат уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун олий ҳокимият органи — Олий Мажлисда вакил эканлигини жуда яхши билишади ва унга ишонишади. Ана шу ишончни оқлаш, табиийки, депутатнинг вазифаси, юксак бурчи. Ўтказилаётган бу каби юзма-юз мулоқотлар эса ҳар бир депутат зиммасидаги масъулиятни оширади, уни оммага янада яқинлаштиради, ўзаро ишонч ва ҳамкорликни кучайтиради.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

### ▼ Эъзоз

**Меҳрибонлик уйи тарбияланувчисиман. Масканимиз яқинидаги 8-умумтаълим мактабида таҳсил оламан. Сабоқдошларимнинг бари илмга чанқоқ, ҳар бирининг ўз танлаган йўли, кўзлаган нияти бор.**

# ҒАМХЎРЛИК УЧУН РАҲМАТ

Рус тили қаторида ўзбекчани ҳам ўзлаштириб олганман. Ўзбек тилида шеърлар ҳам машқ қиламан. Бичиш-тикиш, айниқса, ўзбек миллий таомларини пишириш жону дилим. Ушбу қизиқишларимни амалга оширишим учун масканимизда барча шароитлар муҳайё қилинган. Ҳавас қилгудек шинам ётоқхона, кутубхона, турли фан тўгаракдари бизнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишимизга хизмат қилаётир. Албатта, бизга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан мамнунмиз.

Ўтган йили Президентимиз вилоятимизда бўлганида масканимизга ҳам ташриф буюриб, янги автобус совға қилгандилар. Шу автоуловда тез-тез республикамизнинг турли гўшаларига саёҳатлар уюштириб турибмиз.

Ўз навбатида, тенгқурларим ҳам бундай эътиборга муносиб бўлишга интилмоқдалар. Ўқиш, касб-ҳунар эгаллаш, спорт соҳасида яхши натижаларга эришаяпмиз. Масалан, масканимизда тарбияланган Диана Сулаймонова бултур Турон яккакураши бўйича Осиё чемпиони бўлди. Шуҳрат Багманов, Рустам Мажидов, Рамиль Галауддинов сингари тарбияланувчилар эса «Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлими ёш ҳунармандлар учун ташкил этган танловда ғолиб чиқишди.

Ўзимга келсак, келгусида Педагогика касб-ҳунар коллежида ўқиб, тарбиячи бўлмоқчиман. Худди тарбиячи опамлардек болажонларнинг меҳрибон онаси бўлиб, уларнинг камол топишларига ҳисса қўшиш ниятим бор.

**Оксана ОНИШЕНКО,**
**Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси.**

---

**Самарқанд томонларда**

**Ургутдаги "Нормаҳмат" кичик корхонаси бир неча йил муқаддам банкдан олган 3 миллион сўм кредит эвазига иш бошлаган эди.**

## Изланганга имкон мўл

Корхона бугунга келиб кунига 1000 жуфт турли ўлчамдаги резина калиш, хўжалик учун ғоят зарур бўлган резина шланглар, уй-рўзғор анжомлари ишлаб чиқармоқда.

Эътиборли томони шундаки, "Нормаҳмат" маҳсулотларига мамлакатимизнинг барча ҳудудларида эҳтиёж юқори. Шу боис корхонада мижозлар талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш турларини кенгайтириш ҳаракатлари бошлаб юборилди.

## Қувват ошмоқда

Пастдарғом туманидаги «Жума элеватори» акциядорлик жамиятида янги ун ишлаб чиқариш цехи фойдаланишга топширилди. Бу ерда иш икки сменада ташкил этилиб, бир кеча-кундузда 50 тоннагача ун ишлаб чиқарилаяпти. Ана шу юмуш билан 50 киши шуғулланмоқда.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айниқса, махсус олтин медаль совриндорлари Наргиза Ниғмонова, Милана Гленчикова, Ойшахон Шокиржонова, Феруза Солиҳова, Нафиса Хидирова, Бекзод Мажидов, Нафосат Файзуллаева, Носиржон Боймаев сингари ёшларнинг беғубор орзулари ва соф туйғулари ўз ифодасини топган тасвирий санъат асарлари мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

— Болажонлар ёш бўлишса-да, масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда кўргазмага жиддий тайёргарлик кўришди, — дейди Болалар ижодиёти марказининг рассомлик тўгараги раҳбари Ирина Дибина. — Дастлаб ёш ижодкорлар турли адабиётлар ва қўлланмалар ёрдамида Хитой давлати тарихи, маданияти, турмуш тарзига дахлдор маълумотлардан баҳраманд бўлишди. Шундан сўнг қадимий Чин ўлкасининг афсонавий куй-қўшиқларини ёд олиб, наволар таъсирида мўйқалам билан тиллашишди. Болажонлар кўргазмада иштирок этиш олдидан мезбон юрт анъаналари билан яқиндан танишганликлари боис, улар ижодида янгича руҳ, борлиқ ва табиат ҳақидаги бой тасаввурлар яққол кўзга ташланади.

Эндигина олти ёшни қаршилаган Милана Гленчикова пойтахтимиздаги Болалар ижодиёти марказида ҳунар ўрганади. Қизалоқ бисердан ясаган нақшларида табиат манзараларини шундай жонлантирганки, унинг ижоди ҳар бир кишини ҳайратга солиши тайин. Қизалоқнинг ишлари халқаро кўргазмада учта махсус олтин медалга лойиқ деб топилгани боиси ҳам шу. Шунингдек, танловда Зарнигор Шомаҳмудова, Феруза Эшматова, Ильдар Ахмедшин сингари иқтидорли ўқувчилар ҳам ҳайъат аъзолари эътиборини қозонди.



— Мен ўз суратимда гўзал табиат манзараси, мусаффо осмонда кенг қанот ёйиб, парвоз қилаётган қушлар, ранг-баранг гулларни тасвирлаганман, — дейди Зарина Файзиева. — Бу билан тинчликни, ватанимнинг гўзал табиатини, худди гуллар каби бокира орзуларимни ифодалашга ҳаракат қилдим.

Хитой халқаро кўргазмалар агентлиги, Пекин муниципалитети қошидаги ЮНЕСКО клублар ассоциацияси, Хитой инсон ҳуқуқларини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Пекин маданий тараққиёт маркази ҳамкорлигида ташкиллаштирилган мазкур кўргазма юртимиз фарзандларининг ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир бор тасдиқлади.

**Намойишда қатнашган истеъдодли ўқувчиларимиз кўплаб мамлакатлар санъат усталари томонидан турли давлатларда ўтказиладиган болалар танловларига таклиф этилди.**

**Омонулла ФАЙЗИЕВ.**

---

**Каштан дарахти ўзининг хушманзара кўриниши билан кишиларни доимо мафтун этиб келади. Айниқса, у гуллаган пайтида янада кўркам ва чиройли бўлади. Бутун танасини йирик шамлар мисоли чулғаб олган оқ-сарғиш, пушти-қизил, тилларанг тусдаги гуллари киши баҳри-дилини очиб юборади.**

# КАШТАН — ХУШМАНЗАРА ДАРАХТ



Даврон АҲМАД олган сурат.

Каштан сохта каштанлар оиласига мансуб бўлиб, унинг 25 га яқин тури мавжуд. Баландлиги 20-30 метргача етади. Қулай шарт-шароитда 200-300 йилгача яшайди. Тўғри, унинг ниҳоллари дастлаб секин ўсади. Аммо 3-5 йиллари ўсиш суръати жуда тезлашади. Энг муҳими, совуққа чидамли, соя жойларда ҳам яхши ривожланади. Ўлкамиз шароитида унга умуман зараркунанда тушмайди. Шу боис уни шаҳару қишлоқларимизни кўкаламзорлаштириш мақсадида кўча, сайилгоҳ, хиёбонларга экиш учун жуда мос.

### ▼ Онажоним — табиат

Мамлакатимизда каштаннинг пирамидасимон, шарсимон, устунсимон шакл ҳосил қилиб ўсувчи турлари учрайди. Улар юртимиз аҳолиси ўртасида нафақат атроф-муҳит мусаффолигини таъминловчи манзарали дарахт, балки бир қатор шифобахш хусусиятлари билан ҳам қадрланади. Халқ табобатида каштан пўстлоғидан тайёрланган қайнатма қораталоқ, бавосил, бронхит, безгак, бод, подагра касалликларини даволашда азалдан фойдаланиб келинган. Шунингдек, ичакнинг яллиғланиши оқибатида ич кетганда ҳамда қон кетганда самарали восита сифатида қўлланилади.

Бугунги кунда каштан дарахти фармацевтика саноатининг қимматбаҳо хом ашёси саналади. Унинг уруғи, пўстлоғи, гули, ҳатто баргидан турли хил дори-дармонлар тайёрланади. Бу препаратлар атеросклероз, тромбофлебит, вена қон-томирининг яллиғланиши, тромбоз, варикоз каби касалликларни даволашда қўлланилишининг ўзиёқ, унинг мўъжизавий дарахт эканлигидан далолатдир. Шу маънода, каштанни ўрмон жавоҳири, дейиш мумкин. Зотан, бу дарахт ёғочи мебель саноати учун жуда мосдир. Қолаверса, вино маҳсулотлари учун қиёси йўқ бочкалар фақатгина ушбу дарахт материалидан ясалади. Шу сабаб, уни кўпайтиришга давлатимиз миқёсида катта эътибор қаратилаяпти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 сентябрдаги "Япон софораси ва сохта каштан дарахти кўчатларини экишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, жорий йил кўкламида мамлакатимизда 78 минг туп ўрнига 114,67 минг туп каштан, 333 минг туп ўрнига 477,24 минг туп япон софораси экилди. Бу дарахтлар кўчатлари билан таъминлаш мақсадида Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг хўжаликларида 21 гектар майдонда кўчатхона ташкил этилган. Ўз навбатида, бизнинг марказимизда ҳам махсус кўчатхона бунёд қилинди.

Илмий ходимларимиз томонидан сохта каштан ва япон софораси кўчатларини парваришлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб, жойларга етказилди. Бу ўрмон хўжаликлари ва юридик ташкилотлар ходимлари, қолаверса, ҳаваскор боғбонлар учун муҳим қўлланма вазифасини ўтамоқда. Олиб борилаётган тушунтириш ишлари эса аҳолининг каштан дарахти ҳақидаги тасаввурини бойитиб, уни кўпайтиришга бўлган қизиқишининг ортишига хизмат қилмоқда. Натижада кўчаю боғлар, хиёбону сайилгоҳларга ҳар йили кўплаб каштан ниҳоллари ўтказилиб, юртимиз чиройига-чирой қўшилаяпти, мамлакатимиз фармацевтика ва мебель саноатлари учун қимматбаҳо хом ашё етиштирилмоқда.

**С. КОЖАҲМЕДОВ,**
**Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказининг илмий ходими, профессор.**

***Президентимиз ташаббуси билан 2008 йил мамлакатимизда «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Бу ёшларга давлат даражасидаги эътиборнинг яна бир кўриниши бўлди. Аслида, ёшлар масаласи ҳамиша давлатнинг диққат марказида бўлиб келган. Сўнгги тўрт-беш йилда ҳукумат томонидан бу соҳада амалга оширилган тадбирларни бир кўз олдингизга келтириб кўринг! Ёшлар учун ташкил этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти ва «Ниҳол» мукофоти, «Келажак овози» ва «Янги авлод» кўрик-танловлари, ҳар турли спорт мусобақалари юрт келажаги бўлган ёшларнинг истиқболини, маънавий камолотини ўйлаб қилинган ғамхўрликлардир. Ҳар бир ёш бу имкониятдан фойдаланиб, катта ютуқларга эришаётгани, жамиятнинг етакчи кучлари сифатида истиқлолимизни мустаҳкамлаш билан бирга қатор вазифаларни муваффақиятли уддалаб, дадил олға бораётгани қувонарлидир.***

# МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ФАСЛИ



Ёшларнинг салмоқли қисмини талабалар ташкил этади. Маънавият ҳақида гапирганда, тўғриси, менинг кўз олдимга, биринчи навбатда, талаба маънавияти келади. Бу балки узоқ йиллар олий ўқув даргоҳидаги фаолиятим билан боғлиқдир. Аслида, маънавият ҳар бир инсонга хос, ҳар бир инсонда бўлиши зарур одамгарчилик хислати, қолаверса, жамиятнинг маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутадиган омилдир. Ёшлар учун эса бу фазилат юксак довонларни забт этишларида уларга қанот бағишлайдиган руҳий таянч, миллий-ахлоқий жиҳатдан чиниқишида алоҳида аҳамиятга эга ҳаётий куч-қудратдир.



Талаба маънавиятини нимага қараб аниқлаш мумкин? Унинг мезонлари борми? Албатта, бор! Талабанинг юриш-туриши, кўпчилик ўртасида ўзини тутиши, муомала одоби, кийиниш маданияти, атрофидагилар билан мулоқоти, ижтимоий фаоллиги, илм йўлидаги саъй-ҳаракатларига қараб у ёки бу талаба маънавиятига баҳо бериш мумкин. Маърифий-интеллектуал салоҳияти шаклланган, кўп китоб ўқийдиган, доимо изланиш билан банд талабадан бирор ёмонлик чиқишига ишонмайман. Сабаб, бундай талабалар жамиятга, ўзи таълим олаётган даргоҳга, атрофидагиларга бирор наф келтириш, ота-онасининг ишонч ва умидини оқлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиш орзуси билан яшайди. Эзгулик унинг бош шиорига айланган бўлади. Шунинг учун ҳам тинимсиз ўқийди, изланади, яхшиларга эргашишга, улардан нималарнидир ўрганишга интилади. Номақбул ҳаракатлар қилиш учун бундай талабаларда вақт ҳам бўлмайди. Ушбу ибрати билан нафақат тенгдошларининг, балки таълим-тарбия бераётган устозларининг, ҳатто ўқув юрти раҳбарларининг ҳам ҳурматини қозонадилар. Бошқалар намуна олса арзийдиган бундай талабалар жуда кўп ва улар фахримиз. Бироқ шоли курмаксиз бўлмаганидек, талабалар ҳам ҳар хил.

### ▼ Мушоҳада

Талаба маънавияти билан боғлиқ жиддий бир муаммо бор. Бу ёш йигит ва қизларнинг кийиниш маданиятига тегишли гап. Тўғри, қандай кийиниш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида. Сен унисини киясан ёки бунисини киймайсан деб шарт қўйиш, балки кимларгадир ёқмас. Лекин ёшларимиз кийиниш бобида миллий қадриятларимиздан бутунлай юз ўгирмагани маъқул. Бу гап кўпроқ талаба қизларга алоқадор бўлгани учун сўз очаяпман. Ҳеч кимга сир эмаски, айниқса, ёз ойларида кўча-кўйда очиқ-сочиқ юрган, «замонавийлик белгиси» деб ўта тор шим, калта юбка ёки майкага ўхшаш кўйлак кийиб, киндикларини очиб кўз-кўз қилаётган, кўполроқ қилиб айтсак, ўзларини «бозор»га солаётган талаба қизлар йўқ дейсизми? Уларни кўрганда: «Ота-оналари қизларининг бу ҳаракатларидан хабардормикан?» деб ўйлаб қоласан. Талаба ёшлар, хусусан, қизлар шарқона ҳаёни йўқотмаслигини, ўзлигини, кимларнинг авлодлари эканликларини унутмаслигини хоҳлардик. Бизнингча, талабалар учун махсус форма жорий этилса, жамоатчилик кўнглидаги иш бўларди.

Талабаларни маънавий жиҳатдан тарбиялашда миллий-тарихий қадриятлардан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги ҳаётда исботланган. Фақат шу йўл билангина талабада миллий-маънавий ўзликни англаш туйғуларини уйғотиш, чиниқтириш мумкин. Ҳозир кўпчилик ёшлар миллий ахлоқимиз ва қадриятларимизга унчалик мос келавермайдиган келгинди, ғайри миллий маданият ва санъатга маҳлиё бўлиб, шунга эргашаётгани жамоатчиликка аён. Бу ҳолат, айниқса, эстрада қўшиқчилигида, миллийликка ёт кийинишда, баъзи ёшларнинг муомала одобида намоён бўлмоқдаки, бу ҳаракатлар халқимизнинг эътирозига сабаб бўлаётгани ҳам ҳақиқат. Ёшлар миллий анъанавий мумтоз ижролардан кўра, эстрада йўналишидаги енгил-елпи, саёз қўшиқларга эргашаётгани, мухлислик қилаётгани сир бўлмай қолди. Бир дарсимда мумтоз қўшиқ билан эстрада ашулаларига муносабат бобида талабалар ўртасида баҳс бўлди. Мумтоз қўшиқ тарафдорлари — озчилик, эстрада мухлислари — кўп эди. Бир талабадан: нега айнан эстрада қўшиқларига мухлиссиз, деб сўраганимда, у: «Мумтоз қўшиқларни эшитсам кайфиятим тушиб кетади», деди. Мана, сизга антиқа жавоб! Қизиғи шундаки, аудиторияда бу фикрнинг тарафдорлари оз эмасди. Хўш, нега шундай? Мумтоз қўшиқчилигимизга бундай муносабат, ҳатто камситиш қаердан пайдо бўлди? Албатта, саволимга айнан шу хилда жавоб бергани учун ўша талабани айблашга ҳаққим йўқ. Менимча, бундай муносабатнинг сабабини бошқа омилдан излаш керак. Талабада миллий мумтоз қўшиқчиликка, миллий қадриятларга ҳавас уйғотадиган, уларда фахрланиш туйғуларини шакллантирадиган воситалардан тарбия қуроли сифатида ўз вақтида фойдаланилмаган.

Талаба маънавиятининг шаклланишида бадиий китобларнинг аҳамияти беқиёс эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Китоб мутолаа қилмайдиган талабанинг комил инсон, маънавияти бой, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишиши мумкин эмас, деб ҳисоблайман. Кўп йиллар давомида олий ўқув юртида дарс бериш тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, филолог талабаларнинг бадиий адабиётга қизиқиши, китоб ўқиш даражаси нисбатан пасайиб кетаяпти. Жаҳон адабиёти дурдоналарини қўя турайлик, ўзбек адабиётининг номдор асарларини ҳам билмайдиган, ўқимайдиган филолог-талабалар ҳам етарли экани ташвишли ҳолат эмасмикан?

Олий даргоҳда талаба маънавиятининг шаклланиши, юксалиб бориши уларга таълим-тарбия берадиган профессор-ўқитувчиларга ҳам боғлиқ. Гапнинг рости, агар устоз-мураббийнинг ўзида интеллектуал салоҳият, юқори маънавий-маърифий маданият, илм-билим бўлмаса, унинг талабаларидан бу фазилатларни қидириш, талаб қилиш мантиққа тўғри келармикан? Устоз нафақат билим-илм ва тарбия бериши, шунингдек, шахсий одоб, юриш-туриш, ҳалоллик, кийиниш маданияти, муомаласи билан ҳам шогирдларига ўрнак бўлмоғи лозим. Дарс жараёнидаги хатти-ҳаракатидами ёки талаба билан мулоқотда бўлганидами, хуллас, қайси жабҳада бўлмасин, домланинг ташқи қиёфасидан тортиб ички маданиятигача зиё, нур таралиб турсин. Ўзининг илмий-педагогик фаолиятини мана шу йўналишда олиб борган фидойи, изланувчан устозлар талабаларнинг катта ҳурматига сазовор бўладилар. Лекин бу масалада ҳали анча-мунча камчиликларимиз бор эканлигини тан олишимиз зарур.

Талаба маънавиятининг қирралари кўп. Мен уларнинг айримлари тўғрисидагина сўз юритдим. Жамиятнинг маънавий соғлом бўлиши фуқароларимизнинг, жумладан, ёшларнинг маърифий-ахлоқий тарбиясига боғлиқ. Келажак — ёшларники. Зеро, унинг маънавий баркамол ёшларники бўлишига эришиш асосий мақсадимиз ҳисобланади.

**Каримбой ҚУРАМБОЕВ,**
**Нукус давлат педагогика институти профессори, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби.**

Спорт

***Навоий шаҳрида аёллар ўртасида волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лигаси мусобақалари бўлиб ўтди.***

## «Ника» яна шоҳсупада

Унда Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли "Сўғдиёна" спорт клубининг "Ника" жамоаси барча учрашувларни муваффақиятли ўтказиб, мамлакат чемпионлигини қўлга киритди.

Энди "Ника" Россиянинг Воронеж шаҳрида ўтадиган халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

**Э. ҲАМДАМОВ.**

**Фарғона водийсидаги юзлаб полвонлар Балиқчи туманидаги Бўстон қишлоғида истиқомат қилувчи Алпонназар полвон Боймуродов хонадонига тўпландилар.**

## Елкаси ерга тегмаган полвонлар

Бу бежиз эмас эди. Ўнлаб паҳлавонларга устозлик қилган Алпонназар полвон 85 ёшга тўлди. Шу муносабат билан ота спортчиларни хонадонига чорлаб, кураш мусобақаси уюштирди. Унда турли шаҳар, қишлоқлардан келган уч юз нафардан ортиқ курашчи гиламга чиқди.

Кураш сайлига айланиб кетган тадбирда олтинкўллик Қудрат полвон, фарғоналик Толиб полвон, Андижон олимпия захиралари спорт коллежи мураббийлари Жамол полвон, Муҳитдин полвонларнинг қўли баланд келди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





"Business" ва "Vip" категориясидаги тариф режалари янада арзонлашди!

| тариф режаси | мижоз тўлови | имтиёзли дақиқалар лимити (ойига) | лимитдан ташқари кириш қўнғироқлари: Ўзбекистон бўйича | лимитдан ташқари кириш қўнғироқлари: тармоқ ичида | лимитдан ташқари чиқиш қўнғироқлари: Ўзбекистон бўйича | лимитдан ташқари чиқиш қўнғироқлари: тармоқ ичида |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Статус | 18 / ойига | 500 | ~~0,04~~ 0,03 | ~~0,02~~ 0,01 | ~~0,04~~ 0,03 | 0 |
| Удачный | 25 / ойига | 1000 | ~~0,03~~ 0,02 | | ~~0,03~~ 0,02 | |
| Регион | 35 / ойига | 2000 | 0,02 | | 0,02 | |
| Forward | 300 / 6 ой учун | 5000 | 0,01 | | 0,01 | |
| Перфектум | 2 / кунига | 5000 | | | | |

Барча маълумотлар компания офисларида ва www.cdma.uz сайтида

ISO 9001:2000
ASIA
PerfectumMobile
(8598) 305-1111











***Шаҳрисабз туманидаги 102-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Суҳроб Жўраев «Мучал тўйи» фильми учун «Сеҳрли ёғду» республика фестивалининг бош совринига сазовор бўлди.***

## ЎҚУВЧИ — ГРАН-ПРИ СОҲИБИ

Мактаб ўқувчилари ўртасида кино ва фото санъатига қизиқишни кучайтириш мақсадида ўтказиб келинаётган бу йилги фестивалнинг финал босқичида олтмишга яқин кино асарлари намойиш этилди. Суҳробнинг ижодий изланишлари эса нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди. У фестиваль ташкилотчиларининг қимматбаҳо совғаси билан тақдирланди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси жамоаси Дон маҳсулотлари корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси Зарифбой Зиёевич Шукуровга падари бузруквори

**ЗИЁ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 36374 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 123456